

## «ТАСДИКЛАЙМАН»

Чуст туман ободонлаштириш бошкармаси  
бошлиги

харид комиссиясининг раиси,

М.Ахмедов

2022 йил



Наманган вилояти Чуст шаҳри Чуст туман ободонлаштириш бошкармаси буюртмачилигига “Обод кишлөк” дастурига асосан Кальян-поён МФЙ даги ирригация тармогини куриш ва таъмирлаш ишлари учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

Наманган вилоят Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси балансида буюртмачилигига “Обод кишлөк” дастурига асосан Кальян-поён МФЙ даги ирригация тармогини куриш ва таъмирлаш ишлари.

1. Белгиланган тартибда лойиха-смета хужжатларига асосан ишларини бажариш лозим булади.
2. Буюртмачи: Наманган вилоя Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси.
3. Буюртмачи томонидан ўтказилган энг яхши таклиф натижаларига кўра етказиб берувчи аникланади.
4. Лойихани бажариш муддати: 30 кун давомида
5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси бюджет маблаглари хисобидан.
6. Кальян-поён МФЙ даги ирригация тармогини куриш ва таъмирлаш ишлари лойиха-смета хужжатлари хамда экспертиза хulosасига асосан 172 442 030 сум

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Чуст туман ободонлаштириш бошкармаси  
бошлиги

харид комиссиясининг раиси,

М.Ахмедов

2022 йил



Наманган вилояти Чуст шахри Чуст туман ободонлаштириш бошкармаси  
буортмачилигига 2022 йил “Обод кишлок” дастурига асосан Калъаи-Поён МФЙ  
даги ирригация тармогини куриш ва таъмирлаш ишлари учун  
талааб этиладиган хизматлар рўйхати

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ**

9

Чуст-2022

## **МУНДАРИЖА**

- I Боб. Қатнашчига күрсатма
- II Боб. Энг яхши таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

## I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КҮРСАТМА

### A. Үмумий маълумот

Энг яхши таклиф предмети  
Мазкур энг яхши таклиф ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Энг яхши таклиф комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари  
Қатнашчига энг яхши таклифда катнашиш учун кўйиладиган малака талаблари  
Энг яхши таклиф доирасида ҳужжатларниң маҳфийлигини таъминлаш

### B. Энг яхши таклиф ҳужжатлари

Энг яхши таклиф ҳужжатининг таркиби  
Энг яхши таклиф ҳужжатларига аниқлик киритиш  
Энг яхши таклиф ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

### C. Энг яхши таклиф ҳужжатларини тайёрланиши

Энг яхши таклифда қатнашиш харажатлари  
Энг яхши таклифда кўлланиладиган тил  
Энг яхши таклиф таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар  
Муқобил таклифлар  
Энг яхши таклиф таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

### D. Энг яхши таклиф таклифининг топширилиши ва очилиши

Энг яхши таклиф таклифларини мухрлаш  
Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охирги муддати  
Энг яхши таклиф таклифларининг очилиши

### E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

## **А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Энг яхши таклиф предмети**

Энг яхши таклиф комиссияси ўз фаолиятни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раками 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

**Энг яхши таклифни ташкил қилишининг асосий максадлари қўйидагилар:**

Энг яхши таклифни ўтказиш очик турда бўлиб, Чуст туман Ободонлаштириш буюртмачилигига 2022 йил “Обод кишлек” дастурига асосан Кальян-Поён

**МФЙ даги ирригация тармогини куриш ва таъмирлаш ишлари учун хизматларни кўрсатувчи ташкилотни аниклаш бўйича энг яхши таклиф ўтказиш кўзда тутилган.**

Энг яхши таклифга кўйилган товарининг (хизматнинг, ишнинг) нархи кўшимча киймат солиги билан.

Ишлар энг яхши таклиф хужжатларининг тижорат кисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 15 кун.

### **2. Мазкур энг яхши таклиф хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Бюджет ташқари маблаглари хисобидан Ободонлаштириш бошкармаси хизматларини кўрсатувчи ташкилотни аниклаш бўйича Энг яхши таклиф (кейинги ўринларда – Энг яхши таклиф) ўтказишдан максад – мазкур Энг яхши таклиф хужжатлари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниклаш.

Энг яхши таклиф ўтказиш тартиби – бир боскичли.

**Буюртмачи – Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси**

Манзили: 161100, Чуст шахри

Энг яхши таклифни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича комиссия раиси М.Ахмедов;

Тел.: 99 400 15 33

### **3. Энг яхши таклиф комиссиясининг вазифалари:**

-энг яхши таклиф ўтказиш тартиб-коидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда энг яхши таклифни ўтказади;

-энг яхши таклиф талабгорларига таалукли барча хужжатларни тақдим килиш, муддатини узайтириш тўғрисида карор кабул килиш;

-энг яхши таклиф бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг энг яхши таклиф хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларининг тўликлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва хоказо) мувофиқлигини текширади;

-талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқиша нархларининг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун хужжатлари талабларига катъий риоя килиш;

-зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

-ғолиб деб тошилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Энг яхши таклифининг ташкилотчиси - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қўйидагилар**

[www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) порталада эълон беради;

- энг яхши таклифларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда энг яхши таклиф комиссиясининг вазифалари:**

- катнашчиларнинг энг яхши таклифга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини таҳлил килади ва кўриб чиқади;

- энг яхши энг яхши таклиф голибни аниқлади ва қарор қабул килади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан катъий назар, энг яхши таклиф талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

**Қатнашчи:**

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- факат битта таклифни тақдим этиш хукуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тутамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хукуқига эга.

#### **5. Қатнашчига энг яхши таклифда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Энг яхши таклиф таклифларни тайёрлайди ва энг яхши таклиф комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Энг яхши таклиф комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Энг яхши таклиф қатнашчиларини-малакали энг яхши таклифи Энг яхши таклиф комиссияси томонидан амалга оширилади.

Энг яхши таклиф қатнашчилари кўйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганилигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган энг яхши таклиф талабларини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш боскичига тақдим этиш учун берилган хар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРИ кўрсатилган бўлиши ва энг яхши таклиф эълон килингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали энг яхши таклифдан ўтган қатнашчи энг яхши таклиф комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган йўлланма хат билан тақдим килган бўлишлари керак, манзили ва Энг яхши таклиф комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот раками кўрсатилган бўлиб, кўйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- катнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- катнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- энг яхши таклиф таклифи асли (6-шакл);

5.3. Қатнашчи энг яхши таклиф таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз хисобидан қоплади.

5.4. Энг яхши таклифда голиб чиккан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Энг яхши таклиф голиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича энг яхши таклифда энг паст таклиф килган энг яхши таклиф қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – энг яхши таклиф голибидан кейинги ўринда турган паст таклиф килган қатнашчи.

5.5. Энг яхши таклифга кўйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур, техниқавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун конуний хукукка эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуидаги холларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг хар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошка давлат органининг хар қандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки бошка хар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённада характеристлари юзасидан карор кабул қилиши ёки хар қандай ракобат тартибини кўллаши;
- иштирокчи конунга хилоф равишда адолатиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тўкинашувига эга бўлса.

#### **6. Энг яхши тақлиф доирасида хужжатларининг маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган тақлифларнинг кўриб чикилиши, ударнинг энг яхши тақлиф комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади хамда энг яхши тақлиф тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Энг яхши тақлиф комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганилиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

### **Б. ЭНГ ЯХШИ ТАҚЛИФ ХУЖЖАТЛАРИ**

#### **7. Энг яхши тақлиф хужжатининг таркиби**

7.1. Энг яхши тақлиф қатнашчиси унга берилган энг яхши тақлиф хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлик ўрганиб чикиши шарт.

7.2. Энг яхши тақлиф хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотдарни бермаслик ёки тақлифнинг энг яхши тақлиф хужжатлари талабларига тўлик тўгри келмаслиги, тақлифнинг кабул қилинмаслигига олиб келади.

#### **8. Энг яхши тақлиф хужжатларига аниқлик киритиш**

8.1. Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга кадар Катнашчи энг яхши тақлиф хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун энг яхши тақлиф комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Энг яхши тақлиф комиссияси талабгорниг сўровига кўра Энг яхши тақлиф тақлифларини тақдим этишининг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда энг яхши тақлифнинг барча катнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, энг яхши тақлиф хужжатларининг моҳияти ёки мазмунни билан боғлик саводга ёзма жавоб бериши шарт.

#### **9. Энг яхши тақлиф хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Тақлифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга кадар камида 3 кун олдин энг яхши тақлиф комиссиясининг комиссия карорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, тақлифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, энг яхши тақлиф хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга хаклидир.

## **В. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Энг яхши таклифда қатнашиш харажатлари**

10.1. Энг яхши таклифда иштирок этиш ва энг яхши таклиф ҳужжатини тайёрлаш билан боғлик бўлган барча харажатлар катнашчининг маблаглари хисобидан амалга оширилади.

бюджет ва бюджетдан ташкири жамгармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белтиланган маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга кадар ўзгартирилмайди (энг яхши таклиф комиссиясининг тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

### **11. Энг яхши таклифда қўлланиладиган тил**

11.1. Катнашчилар томонидан бериладиган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Энг яхши таклиф таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Энг яхши таклиф таклифлари бир асл нусхадан, факат муҳрланган. Энг яхши таклиф комиссияси номини ва манзили кўрсатилган **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўллаима хат билан биргаликда кабул килинади.

12.2. Энг яхши таклиф комиссияси лозим бўлганда Энг яхши таклиф катнашчиларидан тақдим этилган Энг яхши таклиф таклифларини тасдиқлаш учун кўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб килиши мумкин.

### **13. Таклиф шакли тушунтириши**

13.1. Қатнашчи энг яхши таклиф таклифини катъий равишда мазкур энг яхши таклиф ҳужжатининг

II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Энг яхши таклиф таклифи шаклларидаги барча бўш графалар энг яхши таклиф ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишидан берилган энг яхши таклиф таклифлари кўриб чиқилмайди.

### **15. Энг яхши таклиф таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Энг яхши таклифда иштирок этиш учун катнашчи энг яхши таклиф ҳужжатларини имзолани ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатта эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Энг яхши таклиф иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг хар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига кўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш холатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

## **Г. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

16.1. Энг яхши таклиф қатнашчиси энг яхши таклиф таклифларини мазкур энг яхши таклиф ҳужжатлари талабларига катъий риоя килган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг энг яхши таклиф таклифи, энг яхши таклиф очилган кундан бошлаб

30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини саклаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф катнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

### **17. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг энг яхши таклиф таклифлари dxarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилгай кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан энг яхши таклиф комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади).

17.2. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охирги муддати хеч кандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташкари).

17.3. Энг яхши таклиф таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун колгунга кадар энг яхши таклиф қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

## **Д. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ГОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

### **19. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш ва голибларни аниклаш**

19.1. Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан баҳолаш энг яхши таклиф комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Энг яхши таклиф таклифларини баҳолаш вақтида Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф қатнашчисидан унинг энг яхши таклиф таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўtkазиш максадида уларнинг энг яхши таклиф таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган энг яхши таклиф таклифлари бўйича қонунчилик асосида кўшимча кўшилган киймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб хисоб килинади.

19.3. Энг яхши таклиф қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларини баҳолаш мезони асосида аникланади.

19.4. Энг яхши таклиф таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.6. Якун чиқариш ва энг яхши таклифининг голиби тўғрисидаги карор энг яхши таклиф комиссияси томонидан қабул килинади. Голибни танлашда Энг яхши таклиф комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги холосасига асосланилади. Қарор энг яхши таклиф комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул килинади. Энг яхши таклиф комиссияси раисининг овози хисобга олинимайди факат имзоси билан комиссия аъзолари карорини тасдиқлаб беради.

19.7. Энг яхши таклиф комиссияси энг яхши таклиф хужжатлари шартларига мос келмайдиган хар кандай энг яхши таклиф таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш хукукини ўзида олиб қолади.

19.8. Энг яхши таклиф комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) хар кандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва энг яхши таклиф комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Энг яхши таклиф ташкилотчиси энг яхши таклиф голибига энг яхши таклиф якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика

товар-хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) махсус порталда эълон килади.

#### **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортоса, унинг энг яхши таклиф таклифи энг яхши таклиф комиссиясининг карори билан четлаштирилади.

20.3. Энг яхши таклифда иштирок этиш учун катнашчи хукуки бошка юридик шахсга ўтказилишига йўл кўйилмайди.

20.4. Энг яхши таклиф кўйидаги холларда бўлиб ўтмаган деб эълон килинади:

тегишли лот бўйича энг яхши таклиф таклифларни тақдим этишининг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки факат битта таклиф тушса;

барча энг яхши таклиф таклифлари энг яхши таклиф хужжатларига кўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча энг яхши таклиф таклифларида энг яхши таклиф хужжатлари шартлари билан

талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

20.5 Энг яхши таклифнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон килиниши энг яхши таклиф катнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошка жавобгарлигига олиб келмайди.

#### **1. Энг яхши таклиф**

### **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

#### **21. Шартномани расмийлаштириши**

21.1. Буюртмачи ва энг яхши таклиф галиблари ўртасидаги шартнома энг яхши таклиф галиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) махсус порталда эълон килинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Энг яхши таклиф галиби шартнома тузишни рад эта ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у холда Буюртмачи энг яхши таклиф комиссияси карорига мувофик кейинги энг кўп балла эга бўлган захирадаги катнашчини энг яхши таклиф галиби деб эътироф этиши ёки тақрорий энг яхши таклиф ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### **22. Шартномани имзолани**

22.1. Голиб катнашчи З (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзоланиш шарт.

22.2. Голиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинти энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Энг яхши таклиф галиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

№       -лот

### Энг яхши таклиф катнашчининг ташкилий тузилмаси

Энг яхши таклиф катнашчининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

9

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БҮЛШИШ ШАРТ.

2-шакл

№ \_\_\_\_\_ -лот

(Катнашчининг фирма бланкасида)

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

**Катнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли**

Энг яхши таклиф савдолари иштирокчисининг номи:

Манзили ва телефон раками:

Факс:

Юридик акоми:

Ташкил этилган жойи ва санаси:

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви:

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари:

Доимий ва вактинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами):

Вактинчалик ишловчи ходимлар (жами):

Камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар:

Вактинчалик ишловчи ходимлар:

Энг яхши таклиф қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий бўлингилари, ишлаб чикариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- 9. ишлаб чикариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чикариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чикарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Катнашчи номи: [Катнашчининг тўлиқ номини кўреатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахенинг лавозимини кўреатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўреатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Катнашчининг тўлиқ номини кўреатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўреатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шаку

## Махсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи:

Қатнашчи номи: [Қатнашчының тұлық номини күрсатын]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо кўйган шахенинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва давозими кўрсатилган шахе имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчанинг түлиқ номини күрсатынг] күрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо күйилгән санапп күрсатнинг]

#### **IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ**

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат күрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган махсулотлар учун ўзлариниг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эхтиёт қисмлар “Хизмат күрсатувчи” ташкилот томонидан түлил қопланади.

1.2. Махсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан энг яхши таклиф, соликлар, бюджет ва нобиуджет жамгармаларга мажбурий түловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат күрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси боскичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган энг яхши таклиф таклифлари энг яхши таклиф савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, энг яхши таклиф комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

## **2. Энг яхши таклиф валютаси**

2.1. Энг яхши таклиф таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

## **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 15 кун давомида тайерлаш.

## **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома кийматининг 30 %, колган 70 % шартнома шартларига мувофик амалга оширилади.

## **5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Наманган вилоят Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси бюджет маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома конунчилик хужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятиининг шартномавий – хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунига мос бўлиши лозим.

**Наманган вилоят Чуст туман Ободонлаштириш бошкармаси номидан низом асосида иш юритувчи бошлиги К.Ашурматов бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) аутсорсинг хизмати кўрсатувчи \_\_\_\_\_ номидан низом асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздик:**

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни ва хизматларни қабул килиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажralmas қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб килиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб килиш:

  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир ҳаражатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб килиш.

#### 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул килиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

#### 2.3. Бажарувчининг ҳуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишини талаб килиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул килишини асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб килиш;

#### 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланган муддат, микдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четта чикса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм, КҚС билан (КҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30% феизи микдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг колган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси оркали Бажарувчининг ҳисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва конун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларининг бажарилишини тъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунчилликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларининг бажарилиши санаси хисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюргачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюргачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюргачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни кабул килишини рад этишга хақидидир.

4.6. Белгиланган микдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириқка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюргачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюргачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича қабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюргма бевосита (кўлда), поча оркали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктиримай тақдим этилади. Буюргма бевосита (кўлда) кабул килганда, Бажарувчининг ходими Буюргачида қоладиган буюргма нусхасида кабул килингандиги тўгрисида белги кўяди.

4.8. Буюргачи илгари берилган буюргани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюргмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгаришишга ҳакли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, микдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу хисобланган суммага кўшимча равишда мижозга нотўри хисобланган сумманинг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айборд томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташкари, Бажарувчи Буюргачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюргачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлайди, аммо жариманинг умумий микдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюргачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пена тўлайди.

5.6. Буюргачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганини ёки лозим даражада бажармаганини учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюргачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганини (лозим даражада бажарилмаганини) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги хам кўриб чикилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганилиги (лозим даражада бажарилмаганилиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофик ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўргасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўргасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўргасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўскинилик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кабул қилинган умумий ҳарактердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай ҳолатлар бартараф этилган вактта ёки уларнинг оқибатлари тугаши вактига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошка Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida ҳабардор қилиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вактида ҳабар берилмаган бўлса, енгид бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Ҳабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай ҳабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум килади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўскинилик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор қилишининг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда ҳабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошка томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишига ҳакли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига кайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноконуний устунликларга ёки бошка ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблаглари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва ҳалқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жинонй йўл билан топилған даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид ҳалқаро хужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошка Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда раббатлантиришдан, шу жумладан пул маблаглари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни

белул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошка усуслар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига хар кандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошка контрагентлар билан тақкослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- хар кандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошка харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равинида хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганилиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичидаги юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва коидаларнинг бузилганилиги ёки бузилиши мумкинилигини ишончли тарзида тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жинон фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураши бўйича халкаро хужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатларни хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятта Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш максадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинилигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя килган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий кийинчилкларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганилиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тутайди.

## X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошка томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласи.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккиси тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади,

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

---

---

Р/с:

Банк реквизитлари:

МФО

ИНН:

ОКЭД:

Рахбар:

---

Буюртмачи:

---

---

Р/с:

Банк реквизитлари:

МФО

ИНН:

ОКЭД:

Рахбар:

---

9

2022 йил “ ”

-сон шартномага \_\_\_\_\_ -илова

**Коррупцияга карши курашиш бўйича  
АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар кандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, вавда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Хукумат уйидан фойдаланиш бошкармаси ходимининг ахлоқка тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга онд хукукбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда куйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор килиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали (@anticorbot);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “яrim кора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

Чуст туман Ободонлаштириш

бошкармаси бошлиги:

М.Ахмедов \_\_\_\_\_ /

